

## БАДМИНТОН СПОРТ ТУРИ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ДАРСИ ЎҚУВ МАТЕРИАЛИ СИФАТИДА

*Абдуллаев Абдували*

*“Жисмоний тарбия назарияси” кафедраси профессори в.в.б.*

*Педагогика фанлари номзоди,*

*Исмоилов Иззат, ФарДУ 2-курс магистранти*

### **Калит сўзлар**

Оммавийлик, соматика, функционал тайёргарлик, жисмоний статус, жисмоний зўриқиш, қувват тиклаш, актив дам, максимал, субмаксимал юклама.

### **Аннотация**

Мақолада спортнинг бадминтон турини умумтаълим мактаблари дастурига киритиш, мактаб спорт секцияларини ташкиллаш орқали ўқувчи жисмоний статуси кўрсаткичларини ривожлантиришнинг самарали воситаси эканлигини асослаш муаммолари ёритилган.

Янги Ўзбекистонимизнинг жисмоний маданияти ва спорти жаҳон спорт майдонида “Шарқ якка курашлари, бокс, шахмат, дзюдо, футболимизни Олимпиадада иштирок этиши ҳуқуқини қўлга киритиши ва бошқа қатор спорт турлари бўйича ютуқларимиз мамлакатимизни Халқаро спорти майдонидаги нуфузи учун зарур бўлган таг заминни яратиш улгурди.

Мамлакатимиз Президентининг спортнинг жамоа бўлиб ўйналадиган ўйинлар турларини ривожлантириш бўйича танқидий фикрлари муаммони талаб даражасида эмаслигига асос бўлади.

Мақоламизда Юртбошимизни фикрлари асосли эканлигини ҳисобга олиб, спортнинг энг оммавий спорт турларидан бирига айлантириш имконияти юқори бўлган спортнинг бадминтон турини мактаб жисмоний тарбия фани ўқув материали сифатида ўқитишнинг ўқувчи организмга самарали таъсирини асослашни мақсад қилдик. Мақоламизнинг амалий аҳамияти шунда. Бизни муаммони ўрганилганлиги даражаси қизиқтирди. Махсус адабиётлар ва олиб борилган спортнинг Бадминтон тури ва ўйиннинг унинг тарихи, назарий асослари, спорт тренировкалари, уларнинг машғулотларига оид махсус адабиётларнинг мақсадли таҳлили юртимизда Россия федерацияси олимларининг – Ю.Н.Смирнов(1989), А.Б.Шербаков(2009), Д.М.Марков,(2001);В.П.Помыткин(2012), Д.Л.Рыбаков, Д.Л.Штылман(2000); Б.В.Беков, С.Д.Акзамов (2023) ва бошқаларнинг дарсликлари, ўқув қўлланмалари, мазмуни асосан бадминтон ўйини техникаси, спорт тренировкаси машғулотлари, турли ёшдагиларнинг маҳорати ва уларнинг мазмунига оид

материалларга қаратилганлигини ва мукамалга яқин назрий билимлар банки ҳозирча яратилмаганлигини гувоҳи бўлдик. Президентимизнинг 2019 йилнинг 4 сентябрдаги “Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бўйича қўшимча вазифалар”га оид видео-селектордаги нутқида мамлакат спорт захирасини мактаблардан охтариш зарурлигини, спорт турларини оммалаштириш ўқувчи талаба ёшлардан бошлашга ишора қилиб, мактабда синфдан ташқари ишларларни олиб борилиши сустигини такидлаган. Қайд қилингандан келиб чиқиб аввалига спортнинг Бадминтон турини мактаб спорт секцияларида оммалаштириш зарурлигини асослашга жазм қилдик. Қолаверса, Ҳориж тажрибаларига таяниб мактаб жисмоний тарбия дарси давлат дастурларини тузишни умумий таълим мактабларига ишонилганлиги мамлакатимиз таълим тизимининг мустақиллигимиздан сўнги ютуларидан бири деб ҳисобласак бўлади.

Ҳозирги кунда юқоридан босим қилиб фақат дастурдаги ўқув материални ўқитасан деган эски давлат дастурларидан мерос спорт педагогикаси фанлари (баскетбол, волейбол, гандбол, футбол, гимнастика, енгил атлетика, сузиш, кураш, шахмат ва б.) қаторига Бадминтон спорт турини киритилиши ўқувчи жисмоний статусининг кўрсаткичларини ривожлантиришда асосий восита бўлаолишининг исботига ўрин йўқ.

Чунки, буни жаҳон халқлари биринчи космонавти Юрий Алексеевич Гагаринга парвоздан қайтгандан сўнг журналистлар томонидан берилган саволларидан бири - “...космонавтлар, хусусан Сизни жисмоний тайёргарлигингиз жараёнида қайси спорт тури билан кўпроқ шуғуллангансиз? - деб берган саволига у битта сўз билан “бадминтон” деб жавоб берганлиги биз дастурга киритишга уринаётган спорт тури ҳақидаги Ю.А.Гагариннинг фикридир. Энг максимал эмас, суб максимал жисмоний юкламаларни бадминтон ўйини орқали олганлиги ўша давр матбуотида шов –шувга сабаб бўлган.

Шунинг учун ҳам ўқувчиларнинг организмни соматикаси(ҳолати) спорт тренировкалари жараёнининг таъсири мактаб ёши бадминтон спорт тури учун муҳим аҳамиятга эга. Чунки, бу болаларнинг жисмоний ривожланиши, жисмоний тайёргарлиги(жисмоний статуси) кўрсаткичлари ва организмни функционал ҳолати билан узвий боғлиқ.

Ҳар бир инсонда ижобий ва салбий хислатларнинг шаклланишида ҳам ўйинларнинг ўрни беқиёс. Қадим замонлардан буён синовлардан ўтган тарбия тизими - халқ педагогикасининг қарашлари ҳар бир инсон учун ўз ёшига ва жинсига мос ўйинлар билан машғул бўлишини уқтиради.

Бадминтон ўйини тарихи қатор миллатларда фақат асилзодалар, зодагонларнинг дам олиш воситаси сифатида фойдаланилганлигига кейинчалик мусобақа воситаси сифатида шаклланганлигига тарихий манбаалар гувоҳлик беради.

Ҳозирги кунга келиб бадминтон мамлакатимиз жисмоний тарбия системасида оммавий соғломлаштириш спорти, Ўзбекистон спорт классификацияси таркибидаги ҳалқаро мусобақалар чемпионатлар, ўтказиладиган катта олий маҳорат спорти, жисмоний тарбия жараёнининг етакчи воситаларидан биридир.

Шу кунга келиб ўйиннинг инсон организмига таъсири даражаси, ўйин техникасини ўзлаштириш, уни мавжуд тактик усуллари, ўйинчининг жисмоний статуси кўрсаткичлари даражаси(жисмоний ривожланганлиги, жисмоний тайёргарлиги кўрсаткичлари)нинг мақсадли ривожлантириш билан, айниқса, ўйинчининг ҳаракат координациясига қўйилаётган талабларни ўрганиш, техник тактик тайёргарликнинг методларини танлаш ва ўқув тренировка жараёнида фойдаланиш ўзининг ечимига муҳтож ва учун фундаментал тадқиқотлар зарурият мақвжуд.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз жойизки: 1. Бадминтон жисмоний тарбияни самарали воситаси асосиз равишда умумий таълим мактаблари дастурига киритилмаган, бадминтон мактаб спорт секцияларини ташкиллаш, ҳам ташкилий, ҳам моддий жиҳатдан осон ва арзон.

2. Болалр спорт мактаблари ва мактаб спорт секциялари, фан ўқув дастурларининг материаллари ва ундаги жисмоний юкламаларнинг меъёрларни илмий асосда ишлаб чиқиш шу куннинг талаби.

3. Мамлакатимизда спортнинг қатор турларига танлов методикаси илмий асосга эга, лекин, бадминтон спорт ўйинига танлов ва ўйиннинг илмий назарий асосларига мансуб тадқиқотлар, эътиборга лойиқ махсус адабиётларни яратишдек муаммолар ўзининг ечимини кутмоқда.

4. Ўйин учун Водиймиз иқлим шароити мувофиқ, очик ҳавода, шабода ва шамоллардан панароқ жойларда, фақат залда эмас, ўқув тренировка машғулотларини ташкиллаш мумкин.

5. Бадминтонга оид назарий билимлар мактаб жисмоний тарбиясининг фан дастури ва жисмоний тарбиядан синфдан ташқари ишлар дастурларини қайта ишлаш, соҳа мутахасисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш дастурларига киритилишини мақсадга мувофиқ деб ғисоблаймиз.

## ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Abdullaev, A. ets.(2021). Covid-19 pandemic in central Asia: policy and environmental implications and responses for SMES support in Uzbekistan. In *E3S Web of Conferences* (Vol. 258, p. 05027).
2. Abdullayev, A. (2022). PRINCIPLES OF USE OF WALL PICTURES IN THE INTERIOR OF ARCHITECTURE OF UZBEKISTAN AND HISTORY OF DEVELOPMENT. *Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development*, 9, 141-143.
3. Abdullayev, A. (2022). PRINCIPLES OF USE OF WALL PICTURES IN THE INTERIOR OF ARCHITECTURE OF UZBEKISTAN AND HISTORY OF DEVELOPMENT. *Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development*, 9, 141-143.
4. Abdullaev, A. (2016). Withonceptual bases of the study of the crisis and liquidity of commercial banks. *Journal of Management Value & Ethics, India*, 6, 31-51.
5. Abdullaev, A. (2015). Working out under methods of the construction of a rating of liquidity while functioning commercial banks of Uzbekistan. *International Journal of Economics, Commerce and Management*, 3(11), 241-249.